

Қорақалпоқ халқ мақолларининг баъзи аксиологик хусусиятлари**Матжанов Шерали –**

Ажиниёз номидаги НДПИ ўқитувчиси

Аннотация:

Мақолада қорақалпоқ халқ мақолларининг ўрганилиши, уларнинг фразеологик бирликлар билан муносабати баён қилинган. Мақолларнинг аксиологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: паремия, мақоллар, афоризмлар, фразеологик сўзлар, аксиология, лингвомаданий жамият.

Паремияларнинг инсон онгида оламнинг лисоний манзарасини намоён этишда алоҳида ўрни бор. Айни масалани таҳлил қилиш ҳозирги замонавий тилшуносликда тобора кўпроқ қизиқиш уйғотиб бораётган, бироқ ҳали назарий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган ва амалий жиҳатдан таснифланмаган паремиология тавсифининг бир қисми ҳисобланади. Тилларда паремияларнинг турлари ниҳоятда кўп, лекин уларнинг айримларигина тилшуносликнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Паремияларнинг лисоний хусусиятлари қорқалпоқ тилшунослигида алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган бўлса-да, баъзи назарий ва амалий қўлланмаларда айрим фикрлар учрайди.

Рус тилшунослигида паремиялар кўпроқ фразеологияга боғланади. Қорақалпоқ тилшунослигида бу борада биринчилардан бўлиб мақоллар тилга олинади. Тилшунослар орасида паремияларга икки хил қараш мавжуд. Биринчи гуруҳ паремиялар терминини мақолларга нисбатан ишлатса, айрим олимлар уни кенг маънода талқин қилади ва улар жумласига мақоллар, маталлар, фраземалар, олқишлар, афоризмлар, қарғишлар, сўкинишлар, дуолар ва бошқа турғун бирикмаларни киритадилар. Чунки буларнинг барчаси халқнинг ҳаёт тарзи ва маданиятини акс эттиради.

Қорақалпоқ тилшуноси проф. Е.Бердимуратов: “Деген менен нақыл-мақаллар усаған сөз дизбеклерин тураклы сөз дизбеклериниң айырықша бир түри сыпатында таныў бул маселени толығырақ анықлаўға себепши болатуғыны сөзсиз.

Соңғы ўақытлары гейпара тил илимпазлары нақыл-мақал усаған сөз дизбеклерин фразеологиялық сөз дизбеклериниң төртинши топары сыпатында таный баслады.

Бизиң пикиримизше, нақыл-мақаллар, сондай-ақ қолланылыўы жағынан кең өрис алған, бөлеклерге бөлийўге болмайтуғын ушырма сөзлер

Фразеологиялық сөз дизбеклериниң төртинши топарын кураўы керек”, – деб ёзади[1: 145-146]. Кўринадики, проф. Е.Бердимуратов рус тилшунослари таъсирида қорақалпоқ тилидаги мақолларни фразеологик бирликларнинг алоҳида бир гуруҳига – фразеологик сўзлар гуруҳига киритади.

Тилшунос Ж.Ешбаев “Қорақалпоқ тилининг қисқача фразеологик луғати”да фразеологик бирликлар ва нақл-мақолларнинг тўрт фарқини кўрсатади, ҳамда нақл-мақоллар билан фразеологизмлар икки хил объект эканлигини таъкидлайди[2: 21-22].

Тилшунос Б.Юсупова “Қорақалпоқ тилининг фразеологияси” номли ўқув қўлланмасида фразеологизмларни юқоридаги каби уч гуруҳга ажратади. Аммо берган жадвалида тўртинчи гуруҳ – фразеологизм сўзларга ҳам мисол келтиради. Шу билан бирга мақоллар ва фразеологизмлар муносабатини, мақолларни фразеологизмлар таркибига киритиш-киритмаслик масаласини яна чуқурроқ ўрганиш кераклигини таъкидлайди[3:50-51].

Ҳозирги тилшуносликда инсоннинг хулқ-атворини меъёрлаштирувчи ва тартибга солувчи лингвомаданий жамият томонидан ишлаб чиқилган маданий кодларнинг мақоллардаги ифодасини ўрганиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақоллардаги аксиологик хусусиятларни текширган олима Р.Мажидова шундай ёзади : ”Аксиология бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кадриятлар ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, тарихий, ижтимоий, фалсафий ва ҳоказоларга бўлинади. Кадриятлар табиий ва орттирилган, маданий бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда когнитив, утилитар, ахлоқий, эстетик ва бошқа кадриятлар ҳақида гапириш мумкин”[4:16].

Қорақалпоқ тилидаги антропоцентрик мақолларни уларда инсоннинг тавсифланувчи объектнинг ижобийлиги/салбийлиги мезони бўйича баҳоси нуқтаи назаридан уч йирик гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Ижобий баҳони ифодаловчи антропоцентрик мақоллар. Масалан,
Ҳақ жолды тап та айрылма,
Ҳадаллық қалар мәңгиге.

Мазкур мақолда ҳалоллик, ҳақиқат каби инсоний хусусиятларнинг энг яхши хислатлар эканлиги, киши ҳаёти давомида одил бўлиши, ҳар бир ишда ҳалолликни, ҳақиқатни танлаши кераклиги уқтирилган. Ҳалолликнинг мангу қолиши, ҳалол одам ўзи дунёдан ўтгандан кейин ҳам унинг адолати мангу хотирада сақланиши каби хислатлар баён қилинган.

Мана бу мақолга эътибор беринг:

- Жўйрик ат шабан болмас,*
Жақсы адам жаман болмас.

Мақолда чопқир отнинг чопа олмайдиган бўлмаслигини таъкидлаш орқали яхши одамнинг ёмон бўлмаслиги қиёслаш йўли орқали кўрсатилади. Одамларни яхши бўлишга, бошқа инсонларга доимо яхшилик қилишга ва шу орқали яхши ном чиқаришга ундайди.

2. Ижобий ва салбий баҳони қиёсий тарзда ифодаловчи антропоцентрик мақоллар. Бундай мақоллар маъно жиҳатидан икки қисмга бўлинади, биринчи қисмида ижобий хусусият берилса, иккинчи қисмида салбий хусусият ифодаланади, ёки аксинча. Китобхонни мушоҳада орқали икки хусусиятни солиштириб, ижобий хусусиятни танлашга йўналтирилади. Масалан:

*Қыйсық адам дүзиў жолды излемес,
Дүзиў адам қыйсық жолды гөзлемес.*

Ушбу мақолда эгри одамнинг ҳаётда тўғри йўлни танламаслиги, ҳамиша ҳаёли қинғир ишлар банд бўлиши ҳақида ва аксинча яхши инсонларнинг ҳар доим тўғри йўлдан адашмай иш тутиши ҳақида фикрлар келтирилган.

Ақыллының белгиси,

Алтыннан келер сөзлери.

Ақылсыздың белгисин,

Айтып турар көзлери.

Юқоридаги мақолда инсоннинг асл қиёфасини очиб берувчи асосий омил унинг сўзлари эканлиги, суҳбат орқали одамнинг билим савияси, дунёқараши ҳақида билиб олиш мумкинлиги баён қилинади. Ақлсиз инсонларнинг эса мулоқот давомида ёлғон ва қочирма сўزلардан кўп фойдаланиши ҳамда бемаъни ҳаракатлари билан ажралиб туриши келтирилган.

3. Салбий маънони ифодаловчи антропоцентрик мақоллар. Бундай мақолларда маъно жиҳатидан фақат салбий хусусият ифодаланади.

Сут пенен титкен

Сүйек пенен бирге кетеди.

Ушбу мақолда одамнинг хулқ-атвори билан боғлиқ қарашлар мавжуд. Бунда инсоннинг она қорнида шакллана бошлаганидан бошлаб унинг туғилганидан кейинги даврларда олган тарбияси келажакда қандай шахс бўлиб камол топишига асос бўлиши ҳақида фикрлар берилган. Бу мақолнинг ўзбек тилида куйидагича талқинлари учрайди: “Қон билан кирган-Жон билан чиқади”, “Қоринда пайдо бўлган қилиқ, Қора ерда қолади” “Йўрғакда теккан касал ўлганда ҳам кетмайди”, “Она сути билан кирмаса, Тана сути билан кирмас”. XI аср мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб куйидагича ёзган эди.

Ўрунг сут била кирса адгу қилиқ,

Ўлум тутмоғинча овормас йўриқ.

Мазмуни; Соф сут билан кирган қилиқ, ўлгунча ҳам айнимайди. Кўринадики бу мақолнинг келиб чиқиши жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Жаманнан жарты қасық

Бу мақолнинг изоҳи қуйидагича. Чорвадорлар таомилига кўра, меҳмон олдида қўйилган овқатни еганда идишнинг тагида озроқ қолдириши керак бўларди. Уй эгаси бу қайтган овқатни пойгакда ўтирган бола-чақасига узатар, улар олиб охиригача еб-ичиб қўярдилар. Ўзини билган, орийтли одам гарчи чала тўйган бўлса ҳам, овқатни кўпроқ, пойгакдагилар тўядиган қилиб қолдирган. Баднафс, суллоҳ одамлар эса номигагина озгина қолдирган. Мазкур мақол ана шундай баднафс, еб тўймас, очкўз, суллоҳ одамлар бир сўз билан айтадиган бўлса, ўзидан бошқани ўйламайдиган ёмон одамларнинг устидан кулганда қўллаганлар.

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, қорақалпоқ тилидаги мақолларнинг аксиологик, психологик, лингвомаданий, лингвопрагматик аспектларда тадқиқ этиш, уларнинг структур-семантик, бадий-эстетик жиҳатларини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарблигини сақлаб келмоқда

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердимурат улы Е. Ҳазирги қарақалпақ тили. Лексикология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б. 145-146.
2. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилининг қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 21-22.
3. Юсупова Б.Т. Қарақалпақ тилининг фразеологиясы. Оқыў қолланба. – Ташкент: Тафаккур қаноти, 2014. – Б. 50-51.
4. Мажидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида). Филол. фан. докт. (DSc) ...дисс. автореф. – Фарғона, 2020. – С. 16.
5. Қарақалпақ фольклоры. “Қарақалпақстан” баспасы Нөкис-1978